



2025-yil
12-avgust
seshanba
№99
(5163)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР

- ✓ Президент Шавкат Мирзиёев 8 август куни олий ўқув юртлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари бўйича ййгилиш ўтказди.
- ✓ Ййгилишда белгиланган асосий вазифалар
- ✓ Қўйидаги QR кодни сканер қилинг ва ййгилиш тафсилотлари билан батафсил танишинг.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР*

*2025 йил 8 августда Президент раислигида ўтказилган кенгайтирилган ййгилиш юзасидан.

Қиймати **1 миллион доллардан** ишчилар сони **50** тадан юқори лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосида соҳалар ва йўналишлар кесимида мутахассисларга эҳтиёж кўрсатилади.

Ректорлар буюртма асосида ўқийётган талабалар учун асосий фанлардан ташқари қўшимча таълим модулларини жорий қилади.

Ушбу модулларни ўқиган талабаларга кредит баллари берилади.

Талабаларнинг билими **иккинчи курсдан кейин** уларни ишга олмақчи бўлган инвестор иштирокида ҳар йили **баҳолаб** борилади.

Талаба **диплом ишини** лойиҳада қўйилган масалалардан келиб чиқиб, ҳимоя қилади.

ИНВЕТОР ЭҲТИЁЖИГА МОС КЕЛГАН БИТИРУВЧИЛАР КАФОЛАТЛИ ИШГА ОЛИНАДИ.

ОЛИЙҒОҲ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХУСУСИЙ СЕКТОР УЧУН МАЪҚУЛ КЕЛАДИГАН ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ.

- Тадбиркорлар ўзидаги бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни **Тадбиркорлар рейтинг платформасига** киритади.
- Платформага олийғоҳлар ҳам улашиб, уларнинг **"карьерга марказлари"** битирувчи ва иш берувчини ўзаро боғлайди.
- Битирувчини **ишга олганлик учун** тадбиркорларга рейтингда **қўшимча балл** берилади.

Битирувчисининг ярмидан кўпини ишга жойлаган **"КАРЬЕРА МАРКАЗИ"ГА** олийғоҳ жамғармасидан **500** миллион сўм муқофот берилади.

РЕКТОРЛАР ВАКОЛАТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ.

"Янги Ўзбекистон" университетининг баҳолаш тизими олийғоҳларда ҳам йўлга қўйилади.

Молиялаштириш олийғоҳлар тўплаган балларга қараб амалга оширилади.

- Битирувчилар бандлигига қараб **40 балл**
- Илмий тадқиқотлар учун тармоқ буюртмаси ва маҳсулотини сотишига қараб **30 балл**
- Илмий салоҳияти, тан олинган халқаро журналлардаги мақолалари учун **20 балл**
- Тадқиқотлар учун жалб қилган маҳаллий ва хорижий грант учун **10 балл** берилади.

БИТИРУВЧИЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАНЛИК ИНОБАТГА ОЛИНМАЙДИ.

- "Янги Ўзбекистон" университетиде ректорлар мактаби орқали **ректор ва проректорликка** номзодлар мақсадли тайёрланади.
- Барча олийғоҳлар **ташкилий ва академик мустақил** бўлади.
- Ректорларга **"супер" контракт** суммасини табақалашган ҳолда белгилаш ваколати берилади.
- Ҳар бир номзод олийғоҳ кенгашида **ўзининг йиллик дастурини ҳимоя** қилади.
- Кўп масалаларда ректорларга **мустақиллик** берилади.
- Ректорлар белгиланган **молиялаштириш** ва штати доирасида профессор-ўқитувчилар ва бошқарув ходимларини **ўзи тақсимлайди**.

Абитуриентлар 5 та олийғоҳдан бирортасига киролмаган бўлса, лекин тўплаган бали бошқа олийғоҳдаги тўлмаган йўналишга тўғри келса, шу олийғоҳ ректори уларни контракт асосида қабул қилиши мумкин бўлади.

Ишга олинган битирувчилар сонига қараб тадбиркорларга **5** миллиард сўмгача **18** фоизли кредит берилади.

«ИШЧИ-ХОДИМЛАР УЧУН ДОИМИЙ ҲАРАКАТ ДАМИЗ!»

Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмасининг V қурултойи бўлиб ўтди

Янги иш ўрни яратиш бугунги жамиятимиз учун энг муҳим, фойдали ва зарур. Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакатимизда энг тез ривожланаётган ва кўп иш ўрни яратилаётган йўналишлардан бири. Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг йирик аъзо ташкилотларидан бири сифатида ташкил этилаётган янги иш ўринларининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, замон талабларига мос равишда ривожланиши учун бор кучи, салоҳиятини ишга солиб келяпти.

3 261 та бошланғич, 2 718 та цех ташкилотиде 602 086 нафар аъзони бирлаштирган тармоқ касаба уюшмаси Қурултойи аввалида кенгаш раиси Улуғбек Муҳаммедов ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида гапирди.

Таъкидланишича, 2021-2025 йилларда 650 дан зиёд янги корхона ва ташкилотлар, 1700 га яқин яқка тар-



тибдаги тадбиркорлик (цех ташкилотлари) субъектлари ва улардаги 327 291 нафар ишчи-хизматчилар аъзоликка қабул қилинди.

Ҳисобот даврида 300 нафардан зиёд ходим меҳнат қилаётган корхона ва ташкилотлар жамоа шартномаларининг лойиҳаларини Республика кенгаши ҳузуридаги эксперт комиссияси орқали жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш ишлари мунтазам олиб



борилди. Бу эса ходимлар манфаатларини ишончли ва ҳуқуқий жиҳатдан асосланган шаклда ҳимоя қилишга хизмат қилди.

2021-2025 йиллар мобайнида иш ҳақидан мuddати ўтган қарздорликни бартараф этиш борасида тизимли ва самарали ишлар йўлга қўйилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида эса бундай муаммолар тўлиқ бартараф этилди.

2300 нафардан зиёд хотин-қиз турли ижтимоий ва ҳуқуқий масалалар бўйича манзилли ёрдам билан қамраб олинди. Улар орасида туғиш таътилида ва бола парваришида бўлган оналар, ногиронлиги бўлган шахслар, зарарли меҳнат шартларида фаолият юритувчи аёллар ҳам бор. 5000 нафардан орттига Хоразм, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги тарихий обиде ва қадимжоларга саёҳатлар уюштирилиб, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Улар аёлларнинг дунёқарашини ва ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилди.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари, меҳнат хавфсизлиги каби ҳолатлар тармоқ касаба уюшмасининг доимий эътибор

марказида бўлди. Уларнинг таҳлиллари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига киритилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилишига эришилди. Хусусан, ҳисобот даврида меҳнатни муҳофаза қилиш ходимлари томонидан 528 та бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси фаолияти ўрганилиб, уларда 202 тадан зиёд хато ва камчиликлар борлиги аниқланди. Булар юзасидан иш берувчиларга 106 та тақдимнома киритилиб, касаба уюшмаларининг аралашуви билан аниқланган камчиликлар бартараф этилди.


Шу билан бирга касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятида айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги таъкидланди.

Хусусан, етарлича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмаганлиги натижасида «Ўзтўқимачиликсаноат», «Ўзбекчармсаноат» уюшмалари ва Савдо-саноат палатасига аъзо айрим корхона, ташкилотлар, шунингдек, «Coca-cola ichimligi O'zbekiston Ltd» МЧЖ, «Anglesey food» МЧЖ, «Havas food» МЧЖ, «Mak food servis», «Maxway food» МЧЖ ва бошқа тез оқватланган рестороанлар тармоқлари каби қа-

тор хусусий сектордаги тадбиркорлик субъектлари касаба уюшмаси хизмати билан қамраб олинмаган, ишчилар белгиланган ҳимоя ва имтиёзлардан фойдаланмасдан келмоқда. Шунга қўра, тармоқ ходимлари касаба уюшмаларининг устувор вазифаларидан бири барча корхона ва ташкилотларда, тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилаётган ходимларни аъзоликка қабул қилиш орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўлиб қолади.

Қурултойда делегатлар кенгаш раисининг маърузаси ва унда тилга олинган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Сунгра муқобиллик асосидаги яширин овоз бериш йўли билан ўтган сайловда Улуғбек Муҳаммедов навбатдаги мuddатга Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси, Шавкат Қодиров эса унинг ўринбосари лавозимларига сайланди.

Зебо НАМОЗОВА, Эъзоа УМУРЗОҚОВА (фото), «ISHONCH» мухбирлари



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

«МАШИНАНГНИ ПУЛЛИ ЖОЙДА ҚОЛДИР», ДЕБ УЛАРНИ ҲЕЧ КИМ МАЖБУРЛАМАЯПТИ...

■ МАВЗУГА ҚАЙТИБ



Газетамизнинг 2025 йил 3 июнь сонида «Пойтахт кўчаларидаги пулли «парковка».
Улар қонунларимизга қанчалик мос ва улардан тушган маблағлар қаерга сарфланади?» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва масъулар эътиборига ҳавола этилган. Унда Тошкент шаҳридаги айрим кўчаларда тажриба тарихида фаолият юрита бошлаган пулли тўхташ жойлари хусусида сўз юритилиб, қатор масалалар ўртага ташланган.
Орадан биров вақт ўтиб, «Poytaxt Parking» компанияси масъулари биз билан боғланишди ва мақола юзасидан очиқ мулоқотга тайёр эканликларини билдиришди. Фурсатдан фойдаланиб, уларга бир нечта савол билан юзландик. Қуйида «Poytaxt Parking» компанияси амалиёт директори Жамолiddин ҚУДРАТОВнинг жавоблари билан танишасиз.

— 2024 йил 19 январда қабул қилинган «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги қонунда пулли тўхташ туриш жойларига доир талаблар қайд этилган. Автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этиш, ҳудудда йўл белгилари, видеокузатув тизимлари ёки қўриқлашнинг бошқа техник воситалари ўрнатилиши ва узлуксиз ишлашни таъминлаш, кириш ёки ундан чиқиш жойига туташ бўлган тўхтаб туриш жойлари орасидан ногиронлиги бўлган шахслар бошқарадиган ёки уларни таъинлаган транспортлар учун жойлар ажратилиши, шулар жумласидан. Ҳўш, улар амалиётда ўз ифодасини тоқдими?

— Компаниямиз пулли тўхташ жойларини ташкил этишда жорий қонунчилик талабларига риоя этиб келмоқда. Жумладан, «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги қонуннинг 24- ва 25-моддаларига мувофиқ, тўхтаб туриш жойларини ташкил этиш лойиҳаси ҳужжатлари махсус ваколатли давлат органлари билан келишилган. Биз ташкил этган барча тўхташ жойларида уларнинг 5 фоизи, яъни камида битта тўхташ жойи ногиронлиги бор шахслар бошқарадиган ҳамда уларни таъинлаган транспорт воситалари учун ажратилган ва фойдаланиш бепул. Шунингдек, барча тўхташ жойлари улардан фойдаланиш қоидалари, тўлов шакллари, ўрнатилган тариф, тўхташ жойи рақами каби маълумотларни ўз ичига олган ахборот белгилари билан таъминланган. Ахборот белгиси давлат тили ва рус тилида жойлаштирилган. Нақдсиз шаклдаги тўловларни мобил илова, нақд шаклдагисини эса тўлов терминали орқали амалга ошириш имкониятлари яратилган. Пулли тўхтаб туриш жойлари тарифлари Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарори билан белгиланган.

— Компаниямиз пулли тўхташ жойларини ташкил этишда жорий қонунчилик талабларига риоя этиб келмоқда. Жумладан, «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги қонуннинг 24- ва 25-моддаларига мувофиқ, тўхтаб туриш жойларини ташкил этиш лойиҳаси ҳужжатлари махсус ваколатли давлат органлари билан келишилган. Биз ташкил этган барча тўхташ жойларида уларнинг 5 фоизи, яъни камида битта тўхташ жойи ногиронлиги бор шахслар бошқарадиган ҳамда уларни таъинлаган транспорт воситалари учун ажратилган ва фойдаланиш бепул. Шунингдек, барча тўхташ жойлари улардан фойдаланиш қоидалари, тўлов шакллари, ўрнатилган тариф, тўхташ жойи рақами каби маълумотларни ўз ичига олган ахборот белгилари билан таъминланган. Ахборот белгиси давлат тили ва рус тилида жойлаштирилган. Нақдсиз шаклдаги тўловларни мобил илова, нақд шаклдагисини эса тўлов терминали орқали амалга ошириш имкониятлари яратилган. Пулли тўхтаб туриш жойлари тарифлари Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарори билан белгиланган.

— 50 дан ортиқ кўчалардаги 86 та участкада пулли «парковка» қилиш бўйича дастлабки аукцион ғолиби «Valcomuz» билан номаълум сабабларга кўра, шартнома имзоланмаган. Мабодо у шартнома тузишни истамаган бўлса, нима учун захирадаги ғолиб билан шартнома расмийлаштирилмаган? Аксинча, аукционда иштирок этмаган (балки қатнашгандир, ammo бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ) «Streetpark Systems» компанияси билан келишувга эришилган (у аввалги ғолиб тақлиф қилган суммадан 2 баравар камроқ (62,9 миллиард сўм тақлиф этган)ини қандай изоҳлайсиз?

— Ҳокимнинг пулли «парковка»лар барпо этиш бўйича қарори қонундаги мажбуриятларни ўзидан соқит қилапти. Демак, халқнинг солиқлари эвазига қурилган, таъмирланган тайёр жойда, ҳеч қандай харажатларсиз «парковка» қилиш адолатсизлик. Юмшоқроқ қилиб айтганда, бу техникўрлик ва чайқовчиликдан ўзга нарса эмас. Чунки гўёки янги йўллар қуриш, қайта таъмирлаш каби вазият билан йўл жамғармасига биз ёниб, мой сотиб олганда ёки машина сотганда тўланадиган солиқлардан маълум фоизи ушлаб қолинади. Яъни қайсидир тадбиркор «парковка» қилган жой пулини ҳайдовчилар шундоқ ҳам олдидан тўлаб қўйишди. Кўчаларда ҳеч қандай харажасиз шунчаки тайёрга айёр бўлиб, бу тахлит «парковка» қилиш, сизнингча, қайси мезонга тўғри келади?

— Бунга аукцион ташкилотчилари жавоб беришгани маъқул. Биз бошқалар сингари ўрнатилган тартибда аукцион савдоларида иштирок этганимиз. Савдо натижаларига кўра, компаниямиз ғолиб деб топилган.

— Саволнинг биринчи қисми борасида айтидиган бўлсам, аввало, ҳокимнинг қарорини мен шарҳлай олмайман. Фикримча, ҳокимлик ўрнатилган тартибда қарор тайёрлаб, имзога киритади. Ва бундай тартиб одатда юридик экспертизадан ўтказилади.

— Нархлар нега қиммат? Масалан, давлат ишчиси бир ойда тахминан беш миллион сўм атрофида маош олади, ишга машинада қатнайдми, биринчи таъриф бўйича машинаси пулли автотураргоҳда саккиз соат турди дейлик. Бу 96 минг сўм дегани. Энди уни 24 кунга кўпайтирсак, 2 миллион 304 минг сўм бўлади. Демак, машинани яъни «парковка» учун кетяпти. Бу ақлга сиғмайдиган абсурд. Шундай эмасми? Ваҳоланки, Қозғоситоннинг Алмати шаҳри кўчаларида «парковка» нархи соатига 100 тенге ёки 2 500 сўмни ташкил этади. Фақат Кўкбозор ҳудудида (ҳудуди бизнинг Олой бозоримиз сингари) 150 тенге ёки 3 750 сўм этиб белгиланган. Пулли «парковка» фақат эрталаб соат 8:00 дан кеч 19:00 гача, бошқа пайтлари эса бепул бўларкан. Тошкентдан 3,8 баравар бой Алматыда «парковка» тўловлари 2-3 марта арзонлигини қандай изоҳлайсиз?

Тайёр жойда ҳеч қандай ҳаражасиз қилиб келадиган бўлида. Чунки тўхташ жойи рилиш ва мажбурадор мабсобида ошириладди. Бюджетдан мо-

— Назаримда, масалага комплекс ёндашиш, яъни пулли тўхташ жойлари тизимини бошқа тизимлар билан солиштириш ва фарқларни инобатга олиш зарур. Келинг, буни, яхши, тизимимиз хусусиятларига тўхталиб таҳлил қилиб кўрайлик. Аввало, шуни айтиш лозимки, биз ҳар бир тўхташ жойи учун ижара ҳақи тўлаймиз. Зотан, у давлат мулки. Пулли тўх-

таш жойларини жиҳозлаш бўйича барча харажатларни (аввалги жавоблардан бирида қурилиш ва ўрнатилган босқичлари баён этилган) ўз ҳисобимиздан қоплаймиз. Бюджетдан ҳеч қандай маблағ олмаймиз.

— «Парковка»лардан тушган маблағларни эса Тошкент ҳокимияти шаҳар инфратузилмасини яхшилашга йўналтиради. Маблағларнинг тақсимлаш тартиби Президентимизнинг тегишли фармонида белгиланган. Унда пулли тўхташ жойларидан тушадиган даромадлар шаҳар манфаатлари йўлида қандай ишлатилиши батафсил баён этилган. Шундай экан, хорижий давлатлар тарифларини Тошкент тарифлари билан солиштиришдан олдин, бизнинг тизимимиз қандай ишлагани инобатга олиш даркор.

— Демак, автомобилни давлатга қарашли йўл ёқасига қўйишга одатланганлар янги талабларга мослашишлари зарур. Ёки улловини бепул тўхташ жойда қолдириб, ишга жамоат ёки бошқа транспортда боришлари мумкин.

— Уларни ҳеч ким «Машинангни пулли жойда қолдир», деб мажбурламапти демократизмда...

— Пулли тўхташ жойлари мавжуд кўча бўйидаги кўпқаватли уйлар аҳолиси учун резидентлик шартномаси ишлаб чиқилмоқда. Бу ҳужжатга биноан, улар кечаси ва дам олиш кунлари ўша жойлардан бепул фойдаланишлари мумкин. Қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритилгунга қадар резидентлар дўшанбадан шанба кунигача соат 23:00 дан 07:00 гача ва яшанба кун тўлиқ бепул тўхташлари мумкин. Резидентлик шартномаси қоидалари, жумладан, бепул соатлар ва кунлар қонунчилик билан тартибга солинган, бу тартиб ўзгариши мумкин. Компаниямиз пулли тўхташ жойлари оператори ҳисобланади, бироқ қонунчиликка ўзгаришлар киритиш ваколатига эга эмас ва бу жараёнда иштирок этмайди.

— Ҳўп, пулли «парковка»дан тушадиган маблағлар нималарга сарфланади? Агар улар давлат бюджетига ёки «Ташаббусли бюджетга» тушса, парктарга ва пйёдалар йўлаклар учун сарфланса, бошқа га! Хусусий оператор ва ҳокимият ўртасида «парковка» тушумлари қандай тақсимланиши бўйича шартнома шартлари жамоатчиликка очиқлаштириш керак!

— Биз ҳар бир тураргоҳ жойлашган майдон учун ижара тўловларини амалга ошираемиз. Бу тўловлар давлатга ўтади. Уларнинг қандай тақсимланиши ҳақида маълумот бериш эса бизнинг ваколатимизга кирмайди. Бунинг учун шаҳар ҳокимлигига ёки Давлат активларини бошқариш агентлигига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ
тайёрлади

ТАҲРИРИЯТДАН: Албатта, бу бир томоннинг жавоблари. Англашилдики, компания масаланинг ўзига тегишли қисмигагина тўхталган.
Ўйиб чиққангиздек, жавобсиз қолаётган саволлар ҳамон талайгина. Уларнинг энг муҳимлари эса қуйидагилар:
Биринчидан, «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги қонунда бу турдаги «парковка»ларга юклатилган барча мажбуриятлар (масалан, видеокузатув тизимлари ёки қўриқлашнинг бошқа техник воситалари ўрнатилмаган)ни тўлиқ бажармасдан тайёр жойда «парковка» қилиш адолатданмикан?
Иккинчидан, компания раҳбари айтганган янгидан асфальт қилинган пулли тўхташ жойларига қўйиш тушгани йўқ. Аксинча, ён-атрофимиздаги кўчаларда тайёр жойлар пулли автотураргоҳга айлантирилганига гувоҳимиз.
Демак, масаланинг янада долзарб қисмига жавобларни Тошкент шаҳар ҳокимлигидан кутамиз. Уйлаймики, очиқ қолган саволларга улар оидинлик киритишди.
Тошкент шаҳар ҳокимлиги масъуллари бу гагги сўровимизга ҳам ҳар доимгидек «сукут» билан «жавоб» қайтаришмасга керак, деган умиддаимиз!



«Ishonch»га жавоб берадилар

«ЁШ КИТОБХОН» ТАНЛОВИНИ РЎҲАТГА КИРИТИШ ВА ТАСДИҚЛАТИШ ТАШКИЛОТЧИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Газетамизнинг 2025 йил 1 июль сонида «Танловларнинг танлови ҳам адолат асосида бўлсин ёхуд устама мезонларда «Ёш китобхон» кўрик-танлови нега йўқ?» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, мутасаддилар эътиборига ҳавола этилган. Унга Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги қуйидаги мазмунда муносабат билдирди:



«Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги «Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган ҳодимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгиланиш белилганган.

Мазкур қарор билан тасдиқланган низомнинг 1-иловасига биноан умумтаълим муассасаларида ташкил этилган ишчи гуруҳлари ҳар йили 1 июльга қадар педагог, психолог кутубхона ходимлари фаолиятини баҳолайди ва баҳолаш натижаларига кўра, навбатдаги ўқув йили учун юқори натижа кўрсатган педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама миқдори белгиланади.

«Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига асосан, юқорида қайд этилган низомга 1-иловадаги баҳолаш мезонларининг 2- ва 3-позицияларини амалиётда қўллашда, яъни умумтаълим муассасаларидаги ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик учун юқори натижа кўрсатган педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама миқдори белгиланади.

Шу ҳисобдан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг 2025 йил 13 январдаги 03-14-75-сонли хати билан 2025-2026 ўқув йили учун умумтаълим муассасаларидаги ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устама миқдори белгиланишида баҳолаш учун инобатга олинмаган фан олимпиадалари, кўрик-танловлар, мусобақалар, тадбирлар рўйхати тасдиқланган ҳамда ишчи гуруҳлар томонидан жорий йилнинг 1 июль кунига қадар устама миқдори белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, 2026-2027 ўқув йили учун умумтаълим муассасаларидаги ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устама миқдори белгиланишида баҳолаш учун инобатга олинмаган фан олимпиадалари, кўрик-танловлар, мусобақалар, тадбирлар рўйхатини шакллантириш жараёнига Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ўтказиб келинаётган «Ёш китобхон» танловини ҳам рўйхатга киритиш ва тасдиқлаш масаласи мазкур танлов ташкилотчиси билан ҳамкорликда кўриб чиқишини маълум қиламиз.

Мактабгача ва мактаб таълими
вазирлиги раиси
Ф.БОҚИЕВ





ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИГА

тармоқлари ходимлари касабани уюшмаси билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, тармоқ томонидан ўтказиладиган турли тадбир, спартакиада ва интеллектни синаш мусобақаларида корхонамиз ишчи-хизматчилар ҳам фаол қатнашадилар. Фахрий ўринларни эгаллаганлари диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланадилар. Шунингдек, ушбу ташкилот ташаббуси билан ҳар бир йўналиш бўйича хизматчилар Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг малака ошириш институтида мунтазам ўқитиб борилади. Ҳар ойнинг иккинчи сешанбаси эса тармоқ томонидан бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам бериш санаси, деб белгиланган. Уша куни касабани уюшмаси кўмитасининг ҳамда ишчи-ходимларнинг муаммолари ва тақлифлари эшитилиб, амалий кўмак кўрсатилади. Қолаверса, тармоқ касабани уюшмаси Республика кенгаши масъуллари «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамияти касабани уюшмаси Ихроия кўмитасининг ҳар чоракда бўладиган йиғилишларида қатнашадилар.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН МАМНУНМАН

Бугун касабани уюшмалари амалга ошираётган, омма эътиборига тўшаётган ижобий ишларни кўриб қувонаман. Боиси ушбу тизим Президентимиз белгилаб берган вазифаларни тўла-тўқис бажариб, инсонлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, ижтимоий ҳаётни яхшилаш ва иш унумдорлигини оширишда, ишчи-ходимларга яқиндан маддкор бўлишда салмоқли натижаларга эришмоқда.

Ҳозир ҳатто энг чека ҳудудларда ҳам замонавий, барча шароитларга эга сихаттоҳ ёки дам олиш уйлари қад ростлаётгани ходимларнинг ҳалол ва баракали меҳнати муносиб рағбатлантиришдан ташқари даволанган бўлиб, уларни қўллаб-қувватлашни ҳар бир ишчи-ходим яхши билади.

Комбинат таркибидоғи барча шароитларга эга 150 ўринли пансионат, санаторий-профилакторий, «Бахт уйи» маросимлар саройи, минг хил майда моллар ва озиқ-овқат билан тўла 4 та «Касаба дўкони» ишчилар учун қўлайлик туғдиради. Ишга кирганига 20, 30, 40 йил бўлган ходимларни 2, 3 ва 4 ойлик иш ҳақи миқдоридида мукофотлаш каби қўшимча рағбатлар жорий этилган. Шунингдек, нафақадоголар учун санаторий-профилакторийларга йўлланмалар нархининг 70 фоизи қўллаб берилади.

Комбинат таркибидоғи барча шароитларга эга 150 ўринли пансионат, санаторий-профилакторий, «Бахт уйи» маросимлар саройи, минг хил майда моллар ва озиқ-овқат билан тўла 4 та «Касаба дўкони» ишчилар учун қўлайлик туғдиради. Ишга кирганига 20, 30, 40 йил бўлган ходимларни 2, 3 ва 4 ойлик иш ҳақи миқдоридида мукофотлаш каби қўшимча рағбатлар жорий этилган. Шунингдек, нафақадоголар учун санаторий-профилакторийларга йўлланмалар нархининг 70 фоизи қўллаб берилади.

Энг муҳими, касабани уюшмалари ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила-ларга, аёлларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси сўнгги йилларда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва айна йўналишдаги ишлар ижроси билан изчил шуғулланмоқда. Шу асно айрим аёллар зиммасига фарзандини ёлғиз ўзи боқиб тарбиялаш вазифаси тушгани етмагандай, баъзилари уй-жойсиз ва ишсиз қолгани ҳам кузатилмоқда.

Ҳар бир ҳудудга бириктирилган тармоқ касабани уюшмалари ишчи гуруҳлари аъзоларининг мунтазам саъй-ҳаракатлари сабабли бу каби қўллаб муаммоларга ечим топишмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ёрдам берилаётганини, ночорларга ҳатто уй-жой ажратишга қаралари қўйилаётганини, ҳоимийлик қилинаётганини, сирасини айтганда, касабани уюшмалари амалга ошираётган хайрли ва савобли ишларни кузатиб, жуда қувонаман.

Олим ТҮЙЧИЕВ, «Ўзметкомбинат» АЖ катта пўлат эритувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони

Хайрли ва савобли ишларни кузатиб, жуда қувонаман

Сўнгги пайтларда кўча-кўйда, идораларда «Касаба уюшмаларига 120 йил» деган ёзувларга тез-тез кўзим тушапти. 120 йил... Тўртта сўз билан ифодаланувчи бу гап замирида залворли йиллар, ташаббускор фаолларнинг саъй-ҳаракатлари, айна соҳада узоқ вақт қутилган ислохотлару инсон манфаатларининг устуворлиги кафолатлаб қўйилиши каби эзгу орзу-истаклар ва уларнинг рўёби мужассамлашган. Дарвоқе, ҳадемай Ўзбекистон касабани уюшмалари фаолият юртида бошлаганига 120 йил тўлади. Мана шу муборақ сана муносабати билан мен ҳам 40 йиллик меҳнат фаолиятим ва ушбу тизимнинг қўллаб-қувватлови натижалари тўғрисида сўзлагим келди.

БОЙ ТАРИХГА ЭГА ҚАДРДОН КОРХОНАМ

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида жойлашган «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамияти саксон йилдан ортиқроқ тарихга эга. У 1942 йил кузида Далварзин чўлларида туташ Сирдарё соҳилларида жойлашган мўжазгина гўшада ҳашар йўли билан қурила бошлаган. Мартен ва прокат цехлари учун зарур асбоб-ускуналар Украинадаги эвакуация қилинган заводлардан олиб келинган.

Тўғри, Иккинчи жаҳон уруши туфайли заводни барпо этиш жараёнида малакали мутахассислар етишмаган. Шу боис қурилишни давом эттириш билан бир қаторда, уларни ўқитиб, билими ва малакасини ошириш ишлари ҳам олиб борилган. Натижада қўллаб қурувчи, гишт терувчи, бетон қуювчи, сувоқчи каби мутахассислар тайёрланган.

1944 йил 5 март куни мартен цехида биринчи пўлат куймаси олинди. Бу ўша кезларда эришилган улкан ютуқ эди. Кейинчалик техник тараққиёт, ишлаб чиқариш жараёнини реконструкция ва модернизация қилиш, цехларни қўлайтириш ҳамда замонавий қурилмалар билан жиҳозлаш самараси ўлароқ корхонанинг бир маромада узлуксиз ишлаши таъминланди. Бора-бора у Марказий Осиёда қора металлургиянинг пўлат, чўян, пўлат қувурлар ва пўлат прокат, арматура, швеллерлар, пўлат шарлар, эмалланган идишлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган энг йирик ва нуфузли sanoat корхоналаридан бирига айланди.

УМРИМНИНГ 40 ЙИЛИ ШУ СОҲАДА ҲАМ

Мен 1985 йили комбинатнинг пўлат цехи эритувчиси бўлиб ишга кирдим. Ушанда 20 ёшда эдим, яқинда эса 60 ёшимни қаршиладим. Демак, 40 йил-

дан буён шу корхонада меҳнат қиламан. 1997 йилгача оддий пўлат эритувчи эдим, кейин катта пўлат эритувчи вазифасига ўтказилдим. Бу касбни дунёдаги энг оғир машаққатли касблардан бири дейиш мумкин. Сабаби, ўта юқори иссиқ ҳароратда, хавфли ишлаб чиқариш объектида йиллар давомида ишлаш кишини катта сабр-тоқатни талаб қилади. Қандайлигидан қатъи назар, ишхонам менинг иккинчи уйимдек бўлиб қолган. Ҳамкасблар билан мулоқот қилиш, ёшларга билмаганларини ўргатиш дилмига завқ бағишлайди. Ҳозиргача юзлаб шогирдлар етиштирганимдан фахрланаман.

Тагин бир гап. Менинг камтарона меҳнатларим ҳолисона ва юксак баҳо-ландим. 2004 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган sanoat ходими» фахрий унвони, 2009 йилда «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, 2011 йилда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» кўкрак нишони билан мукофотландим. Айна пайтда Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати бўлганим сабабли вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришига боғлиқ масалалар муҳокамаларида фаол қатнашаман, сайловчиларим билан юзма-юз учрашиб, уларни ташвишлантираётган муаммоларга ечим топишга ҳаракат қиламан. Табиийки, бундан ўзим ҳам мамнун бўламан.

ИШЧИ-ХОДИМЛАРНИНГ ТОМ МАЪНОДАГИ МАДАДКОРИ

Комбинатнинг электрда пўлат эритиш цехида йилига 950 минг тонна пўлат эритиш қувватига эга улкан печь ва 3 та узлуксиз пўлат қуйиш машинаси бор. Бу ерда ишловчилар ўтда ёнмайдиган, иссиқ ўтказмайдиган махсус кийим-бош, сут маҳсулотлари, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминландилар. Цех касабани

уюшмаси раиси – менинг «минг йиллик» кадрдоним Маъруф Алламурастов барчага бирдек хушмуомалада бўлиб, уларни қўллаб-қувватлашни ҳар бир ишчи-ходим яхши билади.

Комбинат таркибидоғи барча шароитларга эга 150 ўринли пансионат, санаторий-профилакторий, «Бахт уйи» маросимлар саройи, минг хил майда моллар ва озиқ-овқат билан тўла 4 та «Касаба дўкони» ишчилар учун қўлайлик туғдиради. Ишга кирганига 20, 30, 40 йил бўлган ходимларни 2, 3 ва 4 ойлик иш ҳақи миқдоридида мукофотлаш каби қўшимча рағбатлар жорий этилган. Шунингдек, нафақадоголар учун санаторий-профилакторийларга йўлланмалар нархининг 70 фоизи қўллаб берилади.

Аёлларга ҳар йили ҳақ тўланадиган ва давомилиги 3 кундан иборат бўлган қўшимча таътил берилади. Биринчи марта турмуш қураётган ёки фарзанд туғилиши муносабати билан 30 ёшгача бўлган ёшларга энг кам ойлик иш ҳақининг 1,8 баробари миқдоридида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади. Янги йил байрамида 13 ёшга тўлмаган фарзандларга совғалар ажратилади. 12 соатлик иш режимида ишлаётган ходимларга эса иккинчи тушлик ҳам берилади. Комбинатда китобхонлики оммалаштириш мақсадида 40 мингдан ортиқ фондга эга бўлган кутубхона ва электрон кутубхона фаолияти йўлга қўйилгани ҳам диққатга моликдир.

Мавриди келганда, Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик sanoati

ТАҚДИМОТ

УСТОЗ ЖУРНАЛИСТ АБДУНАБИ ҲАЙДАРОВНИНГ 1990 ЙИЛЛАРДА «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ГАЗЕТАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ДАЙДИЛАР» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАСИ ЎЗ ВАҚТИДА КАТТА ШОВ-ШУВЛАРГА САБАБ БЎЛГАНДИ.



МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА ТАРИХИДАН СЎЗЛОВЧИ «ОЙИНА»

Ушбу мақола яқинда Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида тақдимоти бўлиб ўтган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси саъй-ҳаракати билан чоп этилган «Ўзбек журналистикаси антологияси»дан ўрин эгаллади.

Мазкур китоб ўзида миллий медиа соҳасининг ибтидосидан бугунгача бўлган даврини қамраб олгани билан аҳамиятли. Унда миллий журналистика тарихидаги 200 га яқин энг яхши журналистик материаллар ўрин олган.

«Матбуот тарихи – уйғониш даври тарихининг бир бўлағидир», деб ёзган эди атоқли жадид бобоми Ҳожи Муин, – деди Раҳматилла Шералиев. – Шу вақтга «Бизнинг узоқ ва бой тарихга эга журналистикамиз бор», дея бот-бот тақдорлаб келинди. Аммо бу мерос, асосан тор доирага таниш бўлиб, унинг ҳақиқий қўламини кўрсатиб берадиган, омма кўз олдида гавдалантирадиган лойиҳага қўл урилмаганди. «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент

қарори соҳада туб бурилиш ясади. Ушбу ҳужжатда «Ўзбек журналистикаси антологияси» китобини нашрга тайёрлаш, бунинг учун зарур маблағ ажратиш масаласи белгиланди. Шу тарихда миллий журналистикамизнинг шонли тарихини кўрсатувчи «ойина» яратилди.

Китобни тўплаш ва нашрга тайёрлашда Ҳалим Саидов, Акбар Нурматов, Карим Баҳриев, Назира Топиловна, Нурбой Жабборов ҳамда яна ўн нафар фидойи журналист жонбозлик кўрсатишган. Шунингдек, таҳрир хайъатида Абдусид Қўчимов, Аҳмадҷон Мелибоев, Хуршид Дўстмуҳаммад каби устоз журналистлар ҳам бор. Ижодий гуруҳга Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси (в.б.) раиси Холмурод Салимов бошчилик қилган.

«Ўзбек журналистикаси антологияси»нинг I ва II жилди «Ўзбекистон» нашриётида ҳар бири минг нусхадан чоп этилди. Келгусида китобнинг III ва IV жилдларини ҳам нашр қилиш режалаштирилган.

Нигора РАҲИМЖОНОВА



ТАНЛОВ

ОНА ТАБИАТ БОЛАЛАР ТАСАВВУРИДА

Ўзбекистон касабани уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан Қашқадарё вилоятида жойлашган «Гулнора» болалар оромгоҳида «Она табиат менинг ниғомимда» мавзусида расмлар танлови ўтказилди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшмасининг Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган ушбу танловда болалар табиатга муносабатини ижодий расмлар орқали ифодалашди.

– Бу ерда ҳам ҳордиқ чиқардик, ҳам табиат ҳақидаги тасаввурларимизни бойитдик, – дейди Юлдузхон Умарова. – Танловда сув захиралари тугаса, она сайёрамиз қай ҳолатга келиб қолишини тасвирладим. Тенгқурларим ҳам тасаввурдаги ҳаётни чиздик. Уларни томоша қилиб, табиатни асраш ҳар қачонгидан-да муҳим эканига яна бир бор амин бўлдим.

Тадбир якунида иштирокчилар мутасаддиларнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Баҳодир ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Маъмурдун Тожибоев ижросида Маъшар куни кўрам дарам ул сарвқомати, Гар онда ҳам кўрунмаса, кел, кўр қиёмати!

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

'Ishonch' va 'Ishonch-Doverie' gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - 'Ishonch'), Valentina MARSEYANOVA (Mas'ul kotib - 'Ishonch-Doverie') Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-90) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulomjon MIRAHMEDOV. Musahihillar: Dilomir XUDOYBERGANOVA, Ulomida XUDOYBERGANOVA. Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV. Boshiga topshirish vaqti - 19:30, Topshirildi - 19:50. Bahosi kelishilgan narxda: Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta 'Ishonch'ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch@yandex.uz, 1991@yandex.uz. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlil chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 132 076 ta. Shunday: 6 079 nusxasi. 'Sharq' nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 116 nusxasi. 'Erudit' MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 881 nusxasi. 'Poligraf-Press' MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-811 1 3 4 5 6